



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 29 ноябрь, № 246 (7204)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондон
Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги
жанговар шайликка келтирилган бўлинмаларнинг махсус-тактик машқларини кузатди.

Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, миллий армиямиз жанговар шайлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталар экан, олдинда турган муҳим вазифаларни ҳам санаб ўтган эди.

Жумладан, қўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шуғулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт экани таъкидланган эди.

Берилган топшириқлар асосида жанговар тайёргарлик учун мунтазам шуғулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касб малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажаришга эришиш учун кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилни. Жанговар тайёргарлик дастурлари қайта кўриб чиқилди, бунда, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлишига эътибор қаратилди. Қўшинларни энг замонавий турдаги ҳарбий техника ва қуrol-яроғ билан таъминлаш чоралари кўрилди. Буларнинг барчаси бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлигини текшириш учун жорий йил 26 ноябрь эрта тонгда қўшинлар “Тревога!” сигнали билан юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилди.

Тўсатдан текширувнинг асосий мақсади

— жорий йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ва бошқарув органларида амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон армиясида бу каби текширув ўтказилмаган.

Сигналдан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, барча ҳарбий округ ва бўлинмаларда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳарбий полигонларда бир неча махсус-тактик машғулотлар ўтказиш учун қўшинлар колонна бўлиб чиқиб кетди.

Бунда асосий эътибор қўшинларни барқарор ва узлуксиз бошқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилди. Текширувнинг барча босқичларида хавфсизлик қоидаларига, ҳарбий техника ва қуrollарнинг созлигига қатъий риоя қилиняпти. Тўсатдан текширув давомида махсус тузилган идоралараро ишчи комиссия қўшинлар ҳаракатини назорат қилиб, таҳлил этиб бормоқда.

Юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўлинмаларнинг эҳтимолий хавфини қайтаришга доир махсус-тактик машқлари Чирчиқ дала ўқув майдонида ҳам ўтказилди.

Машғулотлар шартига кўра, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, иқтисодийёт тармоқлари, ўта муҳим объектлар, аҳолининг оммавий йиғилиш жойларида кўпоруқчилик ақтлари содир этиш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида оммавий тартиббузарликлар келтириб чиқаришни мақсад қилган, давлат чегарасига яқин ҳаракатланаётган шартли душмани аниқлаш ва яқсон қилиш машқларида ҳаво-десантчилари, артиллеристлар, мотоўқчилар, танкчилар, махсус операция кучлари ҳамда Ҳарбий-ҳаво кучлари бўлинмалари қатнашди.

Шартли душман базаларига ва у жойлашган ҳудудларга Ҳарбий-ҳаво кучлари таркибидagi МиГ-29 ва Су-25 қирувчи самолётлари, Ми-24 вертолётларидан зарбалар берилди. Чалғитувчи ҳаракатларни амалга

оширган ҳолда, давлат чегарасини ёриб ўтишга фаол киришган шартли ноқонуний тўдларини артиллерия дивизиони ёрдамида яқсон этишга қарор қилинди.

Шундан кейин жанг майдонида танкчилар бўлинмаси пайдо бўлди. Улар танк биатлонига қўлланиладиган “Сувли тўсиқ”, “Эскарп” ва “Тирсаки кўприк”дан моҳирона ўтиб, белгиланган маррани эгаллаб, “Танк карусели” жанг усулини қўллади.

Мудофаа операцияси давомида шартли оғир яраланган ҳарбий хизматчиларни жанг майдонидан олиб чиқиш, вертолётда эвакуация қилиш жараёни намойиш этилди.

Энг замонавий турдаги жанговар вертолётлар шахсий таркибни белгиланган ҳудудга десант усулида етказди. Парашют-десант батальони марралар оралиғидан сўқилиб кирган шартли душмани умумқўшин захира куч ва воситалари билан яқсон қилиш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Махсус-тактик машғулотлар ҳарбийларимизнинг юксак профессионал маҳоратини, юқори жанговар шайлигини, бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишини намойиш этди.

Машғулотларни ҳарбий-маъмурий секторлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам кузатиб борди.

Президентимиз полигон ёнидаги ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, қуrol-аслаҳа ва техникани кўздан кечирди. Мудофаа тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан мақсад мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлигини таъминлаш эканини таъкидлади.

Профессионалиги билан алоҳида намуна кўрсатган полковник Қодир Турсуновга автомашина, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга планшетлар совға қилинди. Шу ерда ҳарбий-маъмурий секторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Шу куни Қуrolли Кучлар Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча масалалар қатори ҳарбий қурилиш соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хавфсизлик кенгашининг жорий йил 10 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган йўналишлар ҳаётга татбиқ этилди. Қуrolли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган 46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўтган қисқа вақтда ҳарбий қисмларнинг тузилмалари тўлиқ янгиланди. Самарасиз ва бир-бирини тақроқлайдиган ҳарбий қисмлар қисқартирилди. Натижада қўшинларни сақлаб туришга кетадиган харажатлар камайдди. Озиқ-овқат билан таъминлашда аутсорсинг тизими жорий этилди. Бу ҳарбий бўлинмалар жанговар тайёргарлигини ошириш, вақт кўрсаткичларини икки баробар қисқартириш имконини берди.

Мамлакатимиз армияси қуrolли кучлар қудрати бўйича дунё рейтингидида бир йилда 9 поғонага кўтарилгани, Буюк Британияда ўтказилган нуфузли “Кембрия патрули” танловидида ҳарбийларимиз 90 мамлакатдан иштирок этган 123 жамоа орасида биринчи ўринни эгаллагани бу борадаги ишлар тўғрисида яққол исботлайди.

Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди ва улар самарали фаолият юритмоқда. Биринчи марта давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида йиғинлар ўтказилди.

Соҳага ихтисослаштирилган корхоналарни бирлаштирадиган Мудофаа санаоти бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга қадар ҳарбий хизматчиларга 56 та уй топширилди. 1 минг 500 дан зиёд ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди. Яна 74 та уй қурилиши давом этмоқда.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа санаоти ва ҳарбий таълимини ривожлантириш, қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан гурурланиши лозимлигини таъкидлади.

— Мана, Амир Темуr бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, ҳолисона айтиллик, улуг Соҳибқироннинг “Тузуклари”ни қанча аскар ўқиган, — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев. — Ёки буюк саркарда Жалолиддин Манғубердиннинг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги қўллаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишдади.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин, албатта, Ўзбекистон тарихи ва “Темуr тузуқлари” фанидан синов топшириши кераклигини қайд этди. Илгор ҳарбий қисмларга улуг саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашкарбоши боболаримиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадий китоблар, кинолар яратишга кўрсатма берди.

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳарбий таълим масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш, мактаблардаги ҳарбий тайёргарлик дарсларига шу ҳудудда хизмат қилаётган, юксак инсоний ва касбий хусусиятларга эга жанговар офицерларни жалб этиш, ўқувчиларни ҳарбий қисмларга олиб бориш ва хизмат жараёнлари билан яқиндан таништириш бўйича топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРО АВИАЦИЯСINI ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаво кемалари паркинни янгилаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жаҳон авиаташувлари бозоридида мамлакатимиз фуқаро авиациясининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ушбу соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш учун мамлакатимизнинг фуқаро авиациясида таркибий ислохотларни амалга оширишни давом эттиришга тўқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, ўзида ҳам давлат томонидан тартибга солиш функцияларини, ҳам тижорат фаолиятига оид функцияларни мужассамлаштирган бошқарувнинг эскирган ва ёпиқ тизими тармоқ корхоналарида менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш имконини бермаяпти.

Фуқаро авиаташувларининг, шу жумладан, ер устидаги инфратузилмадан фойдаланишнинг ҳаддан ташқари монопольлаштирилганлиги ушбу соҳада хизматлар кўрсатишнинг жаҳон даражасидан анча ортда қолиб кетишига, шунингдек, мамлакатдаги айрим аэропортларнинг норентабеллигига сабаб бўлди.

Фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқарувнинг замонавий шакллари ва усуллари жадал жорий этиш, тармоқдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари ва стандартларига мувофиқ қайта тузиш, авиаташувлар бозоридида рақобатни ривожлантириш ва тармоққа инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг **“Ўзбекистон хаво йўллари” Миллий авиакомпаниясини** (кейинги ўринларда — “Ўзбекистон хаво йўллари” МАК) **қайта ташкил этиш тўғрисидаги** тақлифига розилик берилсин. Бу: “Ўзбекистон хаво йўллари” МАК дирекциясининг, шунингдек, “Учиш мажмуаси”, “Хаво алоқалари бош агентлиги” ва “Ўзавиатехтаъминот” моддий-техник таъминот мажмуаси) давлат унитар корхоналарининг негизидида **“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда — “Uzbekistan Airways” АЖ) **ташкил этиш;**

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондi, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиали ташкил этилди.

Ўзбек мўмтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос юрқ мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизимини яратилди. Ўзбек миллий маком санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро маком санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалларини ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Айни пайтда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий макомини, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган;

иккинчидан, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш ва маданий хизматлар сифатини кескин ошириш имконини бермаяпти;

учинчидан, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермаяпти;

тўртинчидан, замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермаяпти;

(Давоми 2 ва 3-бетларда).



БМТ шафелигида Траст фонди:

Орол денгизи инқирозини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиради

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. БМТ шафелигида ташкил қилинган мазкур фонд асосий эътиборини молиявий ресурсларни сафарбар қилиш орқали Орол фожиасининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратади.

Ташаббус

Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, олий даражадаги тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу

Гутерриш, тузилмага аъзо давлатлар, БМТ махсус ваколатхоналари, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осие таракқиёт банки, АҚШнинг етакчи

компаниялари, банк ва молия институтлари, халқаро нодавлат экологик жамиятлари, илмий ҳамда таълим доиралари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Жўқорғи Кенгеси мутасаддиларидан иборат Ўзбекистон делегациясига Бош вазир ўринбосари С. Холмуродов раҳбарлик қилди.



Кун иқтибоси:

— Мен Ўзбекистон Президентининг Траст фондини ташкил қилишдаги ташаббусини юқори баҳолайман ва донорларни фонд фаолиятини молиялаштиришда фаол иштирок этишга чақираман. Ишончим комилки, Оролбўйи ҳудудида Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларни илгари суриш маҳаллий аҳолига неқбинлик улашиб, муносиб турмуш шароитларини тиклашга ёрдам беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фонд олдига қўйган мақсадларни тўла рўёбга чиқаришда кенг жамоатчиликни жалб қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.



Антониу ГУТЕРРИШ,
БМТ Бош котиби:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

адабиёт ҳамда санъат арбоблари ва профессионал ижодий гуруҳлар билан маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этиб, улар иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар билан бевосита бадий учрашувлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг туман (шаҳар) миқёсидаги фестивалларини ўтказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

оммавий байрам, томоша ва халқ сайилларини ташкиллаштириш, ижтимоий-маданий соҳада юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича уларга пулли хизматлар кўрсатиш.

4. Қуйдагилар:
2019-2020 йилларда маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага;

2019 — 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига зарур ҳолларда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 — 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхатига ўзгартiriш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ой мuddатда маданият марказлари фаолиятини, жумладан, маданият марказларини янги қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш, шунингдек, самарасиз фаолият юритаётган маданият марказларини мақбуллаштириш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

2019 йилнинг 1 февралига қадар маданият марказлари тўғрисидаги низомни, шунингдек, маданият марказлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда бадий ва тўғарак раҳбарларини уларнинг меҳнат фаолияти натижаси асосида рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

6. Қуйдагилар мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастури доирасида марказлаштирилган манбалар ҳамда республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилий хайриялари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академисии, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасии, Ўзбекистон

композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг **“Маданият ва санъат фидокори”** кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда “Маданият ва санъат фидокори” кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 июнига қадар, жумладан, қуйдагиларни назарда тутувчи ва тўғридан-тўғри амал қилувчи **“Маданият тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин:

маданият соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, уларни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари;

маданият соҳасида фуқаролар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари;

маданий объектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, шунингдек, уларни молиялаштириш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари;

ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, маданият соҳасидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимояси;

маданий алмашув, халқаро ташкилот ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, маданият объектлари ва санъат асарларини оммалаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг **“Халқ чолғулари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари”** ва **Юнус Ражабий номидаги “Ёш маком ижрочилари” республика кўрик-танловларини аънавий рившида** ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) ушбу республика кўрик-танловлари:

“Халқ чолғулари ижрочилари” кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида;

Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг октябрь ойида;

Юнус Ражабий номидаги “Ёш маком ижрочилари” кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2020 йилнинг апрель ойида ўтказилади;

б) ушбу республика кўрик-танловлари ғолибларининг бир нафардан яқка ижрочилари тегишли йўналиши бўйича олий таълим муассасасининг бакалаврият босқичига қабул квотасига қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги икки ой мuddатда ушбу республика кўрик-танловларини ўтказиш тартибларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳар йили 21 — 27 март кунлари **“Театр томошалари ҳафталиги”**ни ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, театр рассомларининг кўргазмалари, театр либослари ва

декорациялари намоишларини ташкил қилиш, томошабинлар билан ижодкорлар ўртасида мулоқотлар ўтказиш ҳамда аҳолининг шу кунлари давлат театрларига бепул кириши тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда:

давлатларо қўшма лойиҳа доирасида Буюк Ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини **“Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси”** ва **“Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси”** номи остида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига;

Ўзбек халқининг қўна ва бетакорор санъати намунаси бўлган Хоразм “Лазги”сини **“Хоразм рақси — Лазги”** номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б. С. Сайфуллаев):

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасига белгиланган тартибда киритсин;

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати параметрларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга бағишланган ахборот-тахлилий шарҳларни аниқ мезон ва натижаларни кўрсатган ҳолда мунтазам равишда тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши чораларини кўрсин, зарур ҳолларда фуқаролик жамияти институтлари ва илмий доираларни миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилишга жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган ривожлантириш давлат дастурига киритилган маданият марказларини ривожлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш чораларини кўрсин;

“Йўл харитаси”, Чора-тадбирлар дастури ва Дастурнинг бажарилиши юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотларни тақдим этиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

кириш ва ички туризмни ривожлантириш дастурлари доирасида юртимизда ўтказиладиган маданият соҳасидаги тадбирлар ҳамда маданий-маърафат томонидан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун ташкил этиладиган маданий

тадбирлар рўйхатини ҳар йили 15 декабрга қадар шакллантирсин;

мазкур тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий оммавий ахборот воситаларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғиб қилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Ариповга — “Йўл харитаси”, Чора-тадбирлар дастурлари ва Дастурни амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Махмудовга — Концепцияда назарда тутилган вазифаларнинг босқичма-босқич тўлиқ амалга оширилиши, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун назарда тутилган “Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — “Йўл харитаси”, тегишли Чора-тадбирлар дастури ва Дастурда назарда тутилган вазифаларнинг ижроси тўғри ташкиллаштирилиши ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Х. Комиловга — Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари орқали юртимизда ўтказиладиган маданий тадбирларни хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, чет эл мамлакатлари билан маданий ҳамкорлиқни янада жадаллаштириш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий сайёҳларни маданий тадбирларга жалб қилиш чораларини кўриши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиоккомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 ноябрь

БМТ шафелигида Траст фонди:
Орол денгизи инқирозини
бартафаф этиш бўйича
саъй-ҳаракатларни
бирлаштиради

1➡ Орол фожиаси бир давлат ёки минтақанинг эмас, балки бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммодир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда 2017 йилнинг сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиқиб, Орол денгизи қуриш оқибатларини бартафаф этиш учун халқаро саъй-ҳаракатларни фаол амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган эди. Яқинда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташифи чоғида ҳам Орол муаммосининг долзарблиги ва минтақа ижтимоий-иқтисодий ўсишининг муҳим аҳамиятга эга эканини билдириб, мазкур ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилиш ва максадли техник кўмак дастурларини амалга ошириш кераклигини қайд этди. Юртбошимиз сай-ҳаракати билан Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни самарали рўёбга чиқариш мақсадида келгуси икки йилда умумий қиймат 1,5 миллиард АҚШ доллари бўлган 800 га яқин лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳаёфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди маҳаллий аҳоли турмуш шaroитини сезиларли даражада яхшилайди ва Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларни рўёбга чиқаришга ёрдам беради, — деди мазкур анжуманда сўзга чиққан БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш. — Бир йил аввал Ўзбекистонга сафарини чоғида Қорақалпоғистонга бориб, Мўйноқдаги “кемалар қабристонини”ни кўрган эдим. Чиндан ҳам Орол денгизи — замонамизнинг энг катта экологик фалокати. Мен ўшанда дунёдаги энг йирик сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиши ҳақида одамлардан қайғули ҳикояларни эшитиб, бизнинг сай-ҳаракатларимиз уларнинг келахакка умидларини оширишга ишондим. — деди Гутерриш.

Анжуманда Ўзбекистон делегацияси Орол денгизи фалокатининг оқибатларини юмшатиш бўйича олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ҳақида ахборот берди. Хусусан, Ўзбекистон Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш

бўйича кенг миқёсли лойиҳаларни амалга оширди. Орол денгизининг қуриган 350 минг гектар майдонига саксовул ва шўрга чидамли ўсимликлар экилиб, бутазорлар барпо этилди.

Орол ҳалокати оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 дан орტიқ лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури доирасида Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, аҳоли турмуш шaroитини яхшилаш, экологик фалокат асоратларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ернизов ҳам сўзга чиқиб, Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш, инсон ҳаётига ҳалокатли таъсирларни юмшатиш бўйича давлатимиз томонидан қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилгани ҳамда унинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида маъруза қилди.

БМТ Бош котиби Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббусларини, жумладан, Траст фонди тузиш ғоясини юқори баҳолаб, донор ҳамжамиятларнинг сай-ҳаракатларини бирлаштиришда фаол иштирок этишга чакирди.

Анжуманда Япония, Норвегия, Нигерия, Қозғоистон, Жазаир, шунингдек, қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари ушбу фонд фаолиятини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Форум доирасида Ўзбекистон ҳукуматининг Фонд жамғармасига ҳар йили 2 миллион АҚШ доллари ажратиши таъкидланди. Норвегия делегацияси аъзолари ҳам сўзга чиқиб, мамлакат ҳукуматининг Фонд жамғармасига 1,2 миллион АҚШ доллари микдорида маблағ ажратиш бўйича қарори ҳақида маълумот берди.

О. ФАЙЗИЕВ,
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Чехия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес форуми ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Чехия Республикаси мамлакатимизнинг Европадаги энг муҳим ҳамкорларидан бири саналади. Кейинги пайтда, айниқса, иқтисодий, инвестициявий муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, ўзаро савдо алоқалари учун қулай муҳит яратилди. Натижада товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ортмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида 47,5 миллион АҚШ долларли экспорт-импорт амалиётлари бажарилган. Чехия-

Ўзбекистон — Чехия бизнес форуми

да юртимизда ишлаб чиқарилган табиий мато ва газламалар, шунингдек, хизматларга талаб катта бўлса, ўз навбатида, мамлакатимизга қора металл, фармацевтика маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электротехника буюмлари етказиб берилади.

Форумда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугунги натижалар ижобий бўлса-да, томонларни қониқтирмайди. Чунки хали ишга қўйилган имкониятлар жуда кўп. Улардан оқилона фойдаланиш учун, энг аввало, савдо-

иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлар ва йирик корхоналар ўртасида тажриба алмашини йўлга қўйиш лозимлиги айтилди.

Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси раиси ўринбосари Филип Войтехининг қайи эйтишча, чехиялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Бизнес форумида 20 дан ортиқ бизнес корхоналар раҳбарлари

иштирок этган бўлса, улар ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, қурилиш, энергетика, фармацевтика, инжиниринг, консалтинг соҳалари ва саноатнинг бошқа тармоқларида бизнес ҳамкорлик қилиш ниятида.

Икки давлат ишбилармон доираларининг “B2B” форматида давом этган мулоқотларида айни шу масалалар муҳокама қилинди.

Меҳмонларга мамлакатимизда чет эллик инвесторлар учун яратиб берилаётган қулай бизнес муҳити, эркин иқтисодий со-

налар иштирокчиларига тақдим этилаётган имтиёзлар ҳақида атироғича маълумотлар берилди. Шунингдек, томонлар истиқболий лойиҳалар ишлаб чиқиш, биргаликда замонавий саноат корхоналарини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Бу жараёнда, айниқса, вилоятлар имкониятидан кенгроқ фойдаланиш, ҳудудларо алоқаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деган тўхтамга келинди.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.



«PROlogue» IV халқаро кинофестивали:

Ёшлар кино оламини ўзгартира оладими?



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу кинофестивалда маҳаллий ҳамда хорижий кинематографлар, таниқли актёр ва актрисалар, драматурглар, киношунослар, санъат арбоблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этмоқда.

Санъат



Фестиваль доирасида Ёшлар ижод саройида “Ўзбек киносининг тарихи” номли фотоқўрагма ташкил қилинди. Экспозициядан Ўзбек кинематографияси ривожланиш тарихи ҳақида ҳукья қилувчи етмишта фотосурат жой олди. Ҳайрат Мўминов томонидан тайёрланган ушбу қўрагмада ўзбек миллий киночилигининг олтин фондида айланган “Тошкент — нон шах-

ри”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Шум бола”, “Келинлар кўзғолони” каби фильмларни суратга олиш жараёнида, киноасарларнинг қизиқарли лавҳалари муҳрланган суратлар намойишга қўйилган. “PROlogue” IV халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида бўлиб ўтди. Унда юр-

тимизда кино санъати ва саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда “Scorpion” фильмининг премьераси ўтказилди.

Кинофестиваль 30 ноябрга қадар давом этади. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов сўзга чиқди.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Ника ЖУЛДОШЕВА, продюсер (Киргизистон):

— Кинофестивалга “Тошкўмир” номли фильмининг тақдим этдик. Режиссёр Евгений Чистяков, бош қаҳрамонлар — Меҳрибонлик уйда катта бўлган болалар. Кинодаги воқеалар ҳаётдан олинган. Унда урушнинг инсон тақдирига таъсири очиб берилди. Қолаверса, ушбу асар орқали замондошларимизни болалар тарбиясига янада эътиборлироқ бўлишга даъват этганмиз. Уйлаймизки, фильм томошабинларга манзур бўлади.

Дамир САЛИМОВ, режиссёр:

— Ушбу фестивал кино ижодкорларининг катта байрамидир. Ёш режиссёрлар, актёрларимизнинг иходий ишларини кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Уларнинг катта фильмларга қўл ураётгани, хорижий мутахассислар билан биргаликда иш олиб бораётгани қувонарли ҳол. Кўпчилик нега яна “Шум бола”га ўхшаган фильмлар суратга олмагасиз, деб сўрайди. Аслида, ундан-да яхшироқ, мазмунан бойроқ, гўзалроқ асарлар яратиш учун

бугун барча шароит бор. Ушбу фестивалга тақдим этилган фильмлар билан танишиб, ёшларимиз бу имкониятлардан самарали фойдаланишга интилаётганига амин бўлдик.

Мухлиса АЗИЗОВА, ёш режиссёр:

— Бугун жуда ҳаяжондаман. Боиси, ўтган йилги кинофестивалда “У” номли қисқа метржаз фильмининг билан қатнашган бўлсак, бу сафар катта масштабда суратга олинган “Scorpion” фильмининг тақдим этдик. Албатта, бундай йирик лойиҳани амалга ошириш, кўп кишилик иходий гуруҳ билан ишлаш куч ва сабр, маҳорат талаб этади. Шунга қарамай, иходий жамоа бир тилда — “кино тили”да сўзлашиб, бир-биримизни тушунишга, қўмак бўлишга интилдик. Хориж кино ижодкорлари билан ишлаш мен учун тажриба бўлди, десам адашмайман. Албатта, ҳулосани томошабин беради.

Юлдуз ЎРМОНОВА ёзиб олди.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Фармон ва ижро

Сўнгги йилларда юртимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш, ёшларимизни турли бузғунчи гоялар, террористик ҳамда экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоялашга қаратилган тadbирлар кўлами янада кенгайди. Адашиб хато йўлга кириб қолган фуқароларимизни кечиритиш ва уларни тўғри йўлга солиш борасидаги ишлар бунга аққол мисолдир.

Биргина ўтган йили содир қилган қилмишига чин кўнгилдан пуншаймон бўлган 18 мингдан зиёд фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилиб, соғлом турмушга мослаштирилганди.

Президентимизнинг шу йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон



Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”-ғи Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантирди.

Хусусан, ана шундай гуруҳлар таъсирига тушиб қолганлар ичида Жиззах вилоятидан 14 нафар фуқаро қайд этилган эди. Ўз қилмишларининг қонунга хилоф эканлигини англаб, қатъий тузалиш йўлига ўтган ушбу фуқаролар бугунги кунда оиласи бағрида тинч ва осойишта умр кечиряпти.

— Россия Федерациясида ишлаб юрган чоғимда бир нечта хорижлик фуқаролар билан танишиб қолдим, — дейди Пахтакор туманидаги

“Дилором” маҳалла фуқаролар йиғида истиқомат қилувчи Раҳматулло Субҳонов. — Улар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турардик. Шу тариқа ўзим билмаган ҳолда улар таъсирига тушиб, тақиқланган ташкилотга аъзо бўлдим. Ҳаммасини тушуниб етганимда эса озодликдан маҳрум қилинган, тўғри йўлдан адашган бир маҳбус эдим. Шукрки, халқимиз, Президентимиз мени кечирди. Энди ҳеч қачон “қора йўл”га кирмайман.

Р. Субҳонов давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонидан сўнг озодликка чиқди. Бу унга соғлом ҳаётга қайтиш учун берилган жуда катта имкониятдир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Раҳматуллонинг уй-жойи ҳокимлик ташаббуси билан тўлиқ таъмирлаб берилди. Бугунги кунда у ўз севган касбида меҳнат қилиб, рўзгорини тебратяпти.

Террористик ва экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган вилоятдаги 14 нафар шахс яқинда ҳудуддаги саноат, ишлаб чиқариш, логистика ва кластер масканларига олиб борилиб, у ердаги қизгин иш жараёни билан таништирилди. Оила аъзолари учун юртимизнинг диққатга сазовор қадамжоларига зиёрат уюштирилди.

Толибжон ЭРҲАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли қарорига асосан,

«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси

балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашни амалга ошириш учун сув ҳавзаси участкаларини ижарага бериш бўйича очик танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танлов ташкилотчиси: «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК.
Дирекция манзили: Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Фолиблар шаҳарчаси, Арнасой тумани давлат солиқ инспекцияси биноси.
Тел.: 95-504-77-41 (42, 45, 46). Тел./факс: 72-226-04-14.
Электрон почта: aydar.arnasoy@soliq.uz

Танлов предмети: Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 1 901,4 гектардан 2 089,7 гектаргача бўлган жами 62 та участкани балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун 10 (ўн) йил муддатга, очик танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлардан буюртманомани кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баравари миқдоридан тўлов танлов ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилди:

«Ипотека-банк» АТИБ Жиззах вилояти филиали
х/р: 2021 0000 2007 4754 5001; МФО: 00122; СТИР: 304 741 887;
«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК (буюртманомани кўриб чиқиш учун тўлов).

Танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан буюртманомани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни дирекцияга тақдим этиши лозим:

- Танловда иштирок этиш учун талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили, СТИР) кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза.
- Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа.
- Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тadbирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ҳамда балиқ воситаларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар.
- Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар дирекциядан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олишлари лозим:

- Танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати.
- Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибдаги буюртманомна ва ариза намунаси.
- Танловга қўйилган сув ҳавзаси участка (контур)лари рақами, номлари, жойлашган ўрни, майдони ва сув ҳавзасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги.
- «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартномаси лойиҳаси.

Участканинг харита-схемаси билан талабгорлар дирекцияда танишишлари мумкин.

Ҳужжатлар Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Фолиблар шаҳарчаси, Арнасой тумани давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносига, ҳафтанинг душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Талабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертлар:

- 2018 йил 27 декабрь куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 116-ўй, Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносига;
- 2018 йил 28 декабрь куни соат 10.00 да Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-ўй, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносига очилади.

Ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган кундан бошлаб 2018 йил 26 декабрь куни соат 18.00 га қадар дирекцияда қабул қилинади.

Аукцион савдо ташкилотчилари диққатига!

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг

«Тошкент трамвайи» унитар корхонаси қуйида қайд этилган ўз балансидаги бино ва иншоотларни аукцион савдоларига чиқариш мақсадида савдо ташкилотчилари ўртасида танлов эълон қилади.

- Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчасида жойлашган, умумий майдони 88 м² бўлган 88-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
● **Бошланғич баҳоси — 130 553 000 сўм.**
- Учтепа тумани, Бешқайрағоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 72 м² бўлган 12-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
● **Бошланғич баҳоси — 88 466 000 сўм.**
- Чилонзор тумани, Лутфий кўчасида жойлашган, умумий майдони 75 м² бўлган 11-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
● **Бошланғич баҳоси — 91 488 000 сўм.**
- Яшнобод тумани, Оҳангарон кўчасида жойлашган, умумий майдони 68 м² бўлган 14-сонли трансформатор подстанцияси биноси.
● **Бошланғич баҳоси — 76 306 000 сўм.**

Аукцион савдолари Амир Темури шохқўчаси, 6-ўйда жойлашган, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти биносига ўтказилади.

Танлов иштирокчилари Тошкент шаҳрида жойлашган бўлишлари шарт. Мурожаат учун масъул: «Тошкент трамвайи» унитар корхонаси бош муҳандиси Маҳмудов Файрат Ҳашизович, алоқа телефони: 90-806-68-59.

Танловда қатнашиш истагидаги ташкилотлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида, 18.00 гача хизматлари нархини кўрсатган ҳолда тижорат таклифларини қуйидаги манзилга тақдим қилишлари лозим:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 57-ўй. Мурожаат учун телефон: 71-272-67-50.

ТАЛАБА ВА ЁШ ПЕДАГОГЛАР ХАМДА КОРХОНАЛАРНИНГ ЁШ МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН «ROBOT-UZ—2019» РОБОТОТЕХНИКА ТАНЛОВИ!

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети 2019 йилнинг 8 февраль куни «ROBOT-UZ — 2019» робототехника соҳасида иқтидорли талабалар ва ёш педагоглар ҳамда корхоналарнинг ёш мутахассислари учун республика танлови ўтказилишини эълон қилади.

Робототехника, инновация ҳамда ахборот технологиялариға қизиқувчи, ҳаваскорлик даражасида робототехника ишланмалари яратиш ва соҳани оммалаштириш билан шуғулланувчи талаба ҳамда ёш педагоглар ва корхоналарнинг ёш мутахассислари танлов иштирокчилари бўлиши мумкин.

Мусобақанинг ҳар бир йўналишида учта совринли ўрин мавжуд бўлиб, I, II ҳамда III ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари пул мукофоти ва эсдалик совгалар билан тақдирланади. Барча иштирокчи ҳамда уларнинг раҳбарларига сертификат ва дипломлар берилади.

Танлов шартлари ҳамда бошқа маълумотлар билан университетнинг www.tdtu.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-«А» уй, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ТошДТУдаги бошланғич ташкилоти, тел.: 71-227-19-47, 91-566-36-16, 99-91-42-97.

«Robot-uz — 2019» танлови қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

- Ўз қўллари билан лойиҳаланган роботлар танлови;
- LEGO конструкцияларида йиғилган роботлар пойгаси;
- Лабиринтдан ўтиш;
- Ким чаққон (радиобошқарувга эга роботлар учун);
- Интеллект даражасини намойиш қилиш.

Ариза бериш тартиби:

«Robot-uz — 2019» танловида қатнашиш учун номзодлар университетнинг веб-сайти (www.tdtu.uz)да жойлаштирилган аризани тўлдириб, 2019 йилнинг 15 январигача қуйидаги электрон (robot_2019_tdtu@mail.ru) манзилга юбориши лозим.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.00 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6